



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 7 май, №98 (3210) Чоршанба

КУЧ — БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилди



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги қарорига биноан, мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилган эди.

6 май куни давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов мазкур университетга ташриф буюриб, унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.



ҚУТЛОВ МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Вестминстер университети жамоасини Тошкентда Халқаро Вестминстер университети таъсис этилиши муносабати билан қутлаш менга катта мамнуният бахш этади. Мазкур университет Президент Ислоом Каримовнинг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда узоқни кўлаб иш юритаётганидан далолатдир.

Университет таъсис этилгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида талай ишлар амалга оширилди. Р.Азимовнинг ушбу жараёнинг барча босқичларидаги саъй-ҳаракатларини таъкидламоқ жоиз.

Ушбу умидбахш ва истиқболли лойиҳа бизга ҳамкорлик муносабатларини олий таълим тизимига оид умумий қарашлар асосида ривожлантириш имконини беради. Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университети бошқа олий ўқув юртлиги учун намуна бўлиб хизмат қилади ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси талабаларининг интилишларига мос келади.

Университет очилишига бағишланган маросимдан мамнун бўлганимизга ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур университет фаолиятига дахлдор бўлганларнинг барчасига муваффақиятлар тилайман.

Тони БЛЭР,
Буюк Британия Бош вазири.

Янги олий ўқув юртининг рамзий тасмаси Президент Ислоом Каримов ва Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд иштирокида қўрилди.

Меҳмонлар замонавий услубда жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, компьютер, манавият ва маърифат хоналарини кўздан кечирди.

Университетнинг конференциялар залида ўтган тантанали йиғилишни Халқаро Вестминстер университети ректори Абдуваҳидов Абдуваҳидов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовга берилди.

— Аввало, барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги унутулмас ва ҳаяжонли воқеа — тўзлаш пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугун биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этмоқдамиз. Ривожланган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилганимиз, одамлар ҳаётини юксак даражага кўтариш имконини берадиган демократик тизимнинг умум-этирофи этилган халқаро меъзо-ларига эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Шу ўринда мен жаҳон таърибасида ўз тасдиқини топган бир ҳақиқатни айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Ҳаммамизга маълумки, илгари бирон-бир мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудратини инфодалаш ва баҳолаш учун унинг мавжуд бўлган табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритар эдик. Бугунги кунда дунё ривожла-

нишининг шундай босқичига қадам қўйдики, энди ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси — бу билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, десак, ҳеч қандай хато бўлмади, деди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, бизнинг бундай ўта муҳим омилни ҳисобга олмасликка ҳақимиз йўқ. Чунки ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларга эришишда замонавий билим ва таърибга соҳиб бўлган, янги фикрлайдиган ёшларимиз бизнинг асосий таянчимиз ва суянчимиздир, десак, аниқ ҳақиқат бўлади.

Олдимизда турган буюк вазифаларни ечишни асосий омил, уларни ҳал қилишнинг ягона шarti — том маънодаги баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Юртимизнинг ёруғ келажагини, халқимизнинг ҳеч қандай қимдан кам бўлмаган фаровон яшашини таъминлашга қаратилган бу вазифани адо этиш — барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу маънода, Ислоом Каримов 1997 йили мамлакатимизда қабул қилинган Қайтар таъриб миллий дастури замирида ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларга мослаштириш, ёш авлодни чуқур билимли, фикр доираси кенг, профессионал кўникмаларга эга бўлган инсонлар этиб тарбиялаш мақсади муҳим эканини эълан қилди.

Шу нуқтага назардан қараганда, бугун Ватанимизга нафақат юқори малакали мутахассислар, балки умум-баршарий мерос ва қадриятларини замонавий билим ва тафаккур билан бойитишга қодир, ҳуқуқий-демократик жамиятда одамларнинг озод ва эркин яшашини, мустақил фикр юритиш, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилишини ҳаётий зарурат, деб биладиган баркамол ёшлар керак.

Ҳозирги кунда Ер юзиде интеграция ва глобаллашув жараёнидан тобора чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жаҳадларини, биринчи гада таълим соҳасини кенг қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки бизнинг давримизда том маънодаги маърифат эгаси бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатиде олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татиб қилинса, инсон шунчалик теран билимга эга бўлади. Бунинг учун ҳозир Ўзбекистонда таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, Интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш мақсадида катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очик ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковат ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун беқийёс имкониятлар яратди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, аниққас, олий ўқув юртлигини битириб чиқадиган йилги-қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологияларни, Азим пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, юз йилдан зиёд тарихга, ўзини хос маданияти ва меъморий аҳамиятга молик бўлган муҳташам бинонинг тубдан қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига берилгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.



ларимизнинг ким эканини, улар жаҳон цивилизацияси тараққиётига қандай бебаҳо ҳисса қўшганини асло эсдан чиқармаслиги лозимлигини таъкидлади.

Улмас ва ноёб асарлари билан баърият илм-фани ва маданияти тарихидан муносиб ўрин олган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби мутафаккир зотлар бизнинг буюк аجدларимиз экани билан ҳақиқ равишда фахрланамиз. Шу билан бирга, биз ана шу беқийёс маънавиятимизнинг инсоният кўлаги кириган илгор билим ва таъриблар билан уйғун ҳолда ривож топишини истаймиз. Ва айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг олға боришимизда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилажак.

Ислоом Каримов Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш ишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга, энг аввало, Британия Кенгаши директори жаноб Девин Гринга, Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд жанобларига, университет Бошқарувчилари кенгаши аъзоларига ўзининг ҳурмат-эҳтироми ва ташаккурини изҳор этади. Ўз ҳаётини ёшларга замонавий таълим ва тарбия беришдек олжанов мақсадга бағишлаган, Вестминстер университети ҳақиқ равишда фахрланса арийдиган барча профессор ва ўқитувчиларга чуқур миннатдорлик билдиради.

Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг очилиши билан Ватанимиз тарихида янги бир саҳифа очилди ва бу қадимий, аниқ пайтда навқирон университетнинг истиқболли албатта ёруғ бўлади, деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбари бундай нуфузли олий ўқув юртининг талабаси бўлиш осон кечмагани, кириш имтиҳонлари ва танлов нечоғлиқ юқори талаблар асосида ўтказилганини маълум эканлигини таъкидлади. Лекин, шунга қарамастан, бугуннинг ўзидаёқ шу нарса равшан бўлмоқдаки, бу олий илм даргоҳида таълим олишга интилагиларнинг сифи йилдан-йилга орттиб бораверди.

Ислоом Каримов келгусида Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг салоҳияти янада мустаҳкамланиб, имкониятлари кенгайишига, унинг номи Ўзбекистон чегарасидан ошиб, катта шухрат ва эътибор қозонишига қатъий ишонч билдиради.

ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ва "Осиё-Инвестбанк" и ўртасида Савдони молиялаш бўйича битим ҳамда ЕТТБ ва Ўзбекистон Миллий банки ўртасида Кафолатли битим имзоланди. Унга қўра, Ўзбекистон Миллий банки ўзининг шўба ташкилотига 1 миллион АКШ доллари миқдорига савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш кафолатини берди.

Ўзбекистон Миллий банки ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида Кафолатли битим имзоланди. Унга қўра, Ўзбекистон Миллий банки ўзининг шўба ташкилотига 1 миллион АКШ доллари миқдорига савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш кафолатини берди.

Савдони молиялаш дастурига Ўзбекистон Миллий банкининг Россия Федерацияси ҳудудида фаолият юритаётган "Осиё-Инвестбанк" шўба банкни киритиш Миллий банк ва ЕТТБ ҳамкорлигининг кейинги босқичига айланди.

"Осиё-Инвестбанк" акционерлик-тижорат банки 1996 йилда ўзаро товар айирбошлашни кенгайтириш, Ўзбекистон ва Россиянинг савдо бўйича шериқларининг иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш, ташқи савдо операцияларига ҳисоб-китоблар ишончлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди.

Шунингдек, мазкур банк Россия бозорига Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотини (пахта, автомобиль, рангели металл, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини) етказиб беришга оид ҳисоб-китобларни амалга ошириб, Россия ва Ўзбекистон ўртасида товар айирбошлаш иштироқчиларига имтиёзли асосда экспортни кредитлаш ҳамда еурурга қилиш соҳасида хизматлар кўрсатади.

Халқаро «OGU-2003» кўргазмаси

Кеча «ЎзэкспоМарказ» мажмуида ЕТТБ Бошқарувчилари Кенгашининг XII йиллик йиғилиши доирасида ўтказилган «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳияти» кўргазмасининг мантиқий давоми бўлган Халқаро «Нефть ва газ» («OGU-2003») кўргазмаси ўз ишнини бошлади. Уни республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Х. Исломужаев кириш сўзи билан очди.

Маълумки, мазкур кўргазманинг Ўзбекистонда ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Бу йил у еттинчи бор ташкил этилган. Бунинг сабаби бор, албатта.

Ўзбекистон жаҳон нефть ва газ тизимида ўз ўрнига эга. Хусусан, табиий газ захираси бўйича республикамиз дунёдаги энг катта давлатлар қаторига кириди ва бу ерда бой нефть конлари ҳам мавжуд.

(Давоми 2-бетда.)

СУРАТЛАРДА: очилиш маросимидан лаҳзалар. Абдуваҳид ТУРАЕВ олган суратлар.

«Инсон ва тупроқ»



Тахририятга келган китоблари, очиги, хавас билан варақларканман, улар орасидаги «Инсон ва тупроқ» деб номланган кўлланма эътиборимни тортиди. Бу «Инсон ва табиат» руқнида умумий ўрта мактабларнинг 5-9-синфлари учун яратилган ўқув кўлланмаларидан бири бўлиб, мактабларда она тупроқ ҳақида оддий ва раво тилда ҳамда латин алифбосида сабоқ беришга мўлжалланган экан.

Китоблар оламида



Кейинги беш-олти йил ичида «Хазорасп миниатюра мактаби» деган ибора пайдо бўлдики, бу албатта Хоразм миниатюрчилигининг пойдеворини ташкил қилса ажаб эмас.

Ўзбекистон Бадий академиясининг азоси, расом ва ҳайкалтарош Бахтиёр Рўзमतов тарбиялаб қамолга етказган ўнлаб шоғирлар орасида Қурамбой Матмуродов ўзгача ижодий изланишлар йўлидан боришти. У талабалик йилларидаёқ нуфузли кўргазмаларда иштирок этди ва ҳатто пойтахтимизда ўзининг туркум асарлари кўргазмасини намойиш қилди. Москвада бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда фахри ўрини эгаллашга муваффақ бўлди.

Институтни тугатгач, Қ.Матмуродов Хазораспдаги лисей ва умумтаълим мактабларида ўқитувчилик қилди. У

Миллий дастур ниҳоллари

Хазорасп миниатюра мактаби



қайси даргоҳда ишласин, аввало, иқтидорли ўқувчиларни ўзи бошқариётган тўғрақларга жалб эта олди. Бу тўғрақларда расомлик услуби маҳорати ҳамда рангтаъсир йўналишларининг жанр ҳамда турларини ўргатди.

Кейинги пайтларда республика, вилоят бўйича ўтказилган кўрик-танловларда Қу-

Туман ҳокими Ботир Раҳимов ижоди билан танишиб чиққан, уларнинг қобилиятини кент намойиш қилиш мақсадида «Мусаввир» ижод мактабини ташкил этишга қарор қилди. Ижод мактабини учун бино ажратилди ва у қисқа муддат ичида ижодий муҳитга ташна ёшларнинг обод гўшасига айланди. Уларнинг кўргазмалар залида қўйилган ижод намуналарига маҳлиё бўлмай иложингиз йўқ.

Ушбу асарларни томоша қилиб, ўтмишнинг минг йиллик оҳанглари янги оҳанглик билан қоришиб, гўзал бир нафосат оламини тиклаётганини қалбдан ҳис қилдик. Бу оҳанглик рангин бўёқлар қоршмасида тиниқ «жаранглармоқда».

Эрнўлат БАХТ. Хоразм.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида мамлакатимиз фуқаролари атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги алоҳида таъкидланган. Экологик хавфни сезиш жуда мушкул, чунки у бошқа миллий хавфсизликка таҳдид солаётган муаммолардан ўзининг яширин тарзда кечиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам аҳолининг экологик билими, онги ва маданиятини ошириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масала ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида таълим соҳасида экологик ўқувнинг мажбурийлиги белгиланган.

Давлатнинг экологик сиёсатини амалга ошириш мақсадида республикамизда илк бор туртта ўқув кўлланмаси яратилди. Улар

орасида таниқли эколог олим, география фанлари доктори, профессор А. Нигматовнинг «Инсон ва тупроқ» ўқув кўлланмаси алоҳида аҳамият касб этади. Кўлланмани яратишда таълим беришнинг барча педагогик усулларидан фойдаланилган. Ҳар бир мавзуга бўйича қизиқарли расмлар, расм-топишмоқлар, шеврлар, ўзбек халқ мақоллари, амалий ва дала машғулоти, тўлдириш учун жадваллар, ўқувчилар учун маскур соҳада тавсия этиладиган адабиётлар, асосий атама ва ибораларнинг изоҳли лугати берилган. Айниқса, мавзуларнинг танланиши, уларнинг ёритилишида оддийдан мураккабга томон баён этиш, матн билан бошқа қизиқарли материаллар нисбатининг мувофиқлашганлиги яхши натижа берган.

Ўқув кўлланмасини тайёрлаш жараёнида олий таълим тажрибасидан фойдаланилган, чет эл олимлари, давлат таълим бошқаруви тизимидаги мутахассис-

лар фаол иштирок этишган. Яна бир муҳим томони методик қўлланманинг ўқитувчилар учун ҳам яратилгани. Чунки тупроқшуносликдан хабари бор ўқитувчиларнинг мактабларда етиштирилган бир пайтда уларга ўқув кўлланмасини тўғри ва чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

Умумий адади 100 мингдан ошмиқ нусхаларда чоп этилган кўлланмалар Осиё Ривожланиш банкнинг «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида яратилган бўлиб, улар республикамизнинг барча мактаб кутубхона жамғармаларига келиб тушган. Афсуски, улар фақатгина ўзбек тилида чоп этилган. Агар ушбу кўлланмалар қорақалпоқ ва рус тилларида ҳам нашр этилса, умумий йўналишдаги ўрта махсус, касб-хўна ва олий ўқув юрталари талабалари учун ҳам яратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

У. ФАЙЗИЕВА.

Қишлоқ спорти

Икки полвон курашга Ч...

«Қамолот» қишлоғида (Қумқўрғон туманида) яшовчи Музаффарбой ўғилларига тўй берди. Қамтаргина, оддийгина тўй. Хусан, Азамат исмли йигитлар қўлтиқларига полвонлик кийим (желак)ларини қистириб тўйга боришди. Буни кўрган тўйбошилар, райларнинг қайтмасин, қур айланиб куч синаншилар деб, уларни курашга чорладилар. Хусан билан Азамат ҳали бир-бирларининг ёқаларига қўл узатиб улгурмасдан, давра ўз тенгилари билан курашга тушаман деган талабгорларга тўйиб кетса бўладими! Ана энди денг — желак йўқ.

Уша кунги кичкинагина, лекин қизиққина ўтган курашдан сўнг қишлоқлик ўттиз нафар ўсмир оналарига менга полвонлик желакни тикиб берасиз, деб тўриб олди. Қўп ўтмай, мактабларида полвонлар тўғраги иш бошлади. Тўйлардаги кураш давралари кенгайиб борди. Тўйболаларнинг Ойдин момоси ҳам наваралари учун қалин матодан желак бичди. Хусан билан Азаматдек полвон бўлинглар илоё, деб юзига фотиҳа тортиди.

У. ОЛИМЖОНОВ.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг республика радиоси жамоаси «Маънавият» бош муҳарририятининг бош муҳаррири Шодиёр Ҳазратқулловага уқаси

Бахтиёр ҲАЗРАТҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги «Ўзэксепомарка» РСМ жамоаси бўлим бошлиғи Асатулла Исмонилловага

Хатима ая ҚОДИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТАШКИЛОТ авто ва қишлоқ хўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланади

- Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- Ҳар хил русумли шиналар.
- Энг арзон нарҳда Тошкентдаги омборхонадан.

Махсулот Тошкент шаҳрида.

Ташкилотларни вилоят дистрибуторлигига таклиф қиламиз.

Телефон: (998 712) 132-24-71. Факс: 132-24-72, 79-28-75, 79-28-77. E-mail: urald@rol.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-ХОНА

2003 йил — Обод маҳалла йили

БАХТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

«НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

2003 йил — Обод маҳалла йилида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш мақсадида

«Нуроний» пул-буюм ютуқли лотереясини чиқарди.

Омадингиз чопса, сотиб олган лотереянгизга «ДАМАС», «ТИКО» каби автомашиналардан бири ёки бир миллион сўмгача бўлган пул ютуқлари чиқиши турган гап.

2003 йил 25 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ўйналадиган лотереяда 60 миллион сўмлик ютуқ бор.

Лотерея билетларини «Ўзбекистон почтаси» бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин. Лотерея баҳоси — 200 сўм.

Ютуқлар жадвали «Ўзбекистон овози» ва «Нуроний» газеталарида эълон қилинади.

«НУРОНИЙ» жамғармаси.

БИРИНЧИ ЎРИН ИККИНЧИ ЎРИН УЧИНЧИ ЎРИН

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Швейцария Давлат иқтисодиёт қўмитаси ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси ҳомийлигида ЕТБ кичик ва ўрта бизнес кредит линияси доирасида ўтказилган

«БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАР КЎРИГИ» ГОЛИБЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙДИ

European Bank for Reconstruction and Development

ШВЕЙЦАРИЯ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭИМСК

«НОНАШ» МЧЖ

«ПЕКИН-ЧИРЧИК» МЧЖ

«ЎЗКСЕРОКС» ҚК

КЎРИК ГОЛИБЛАРИ ОФИС УЧУН КОМПЬЮТЕР ВА ОРГТЕХНИКА, БЕПУЛ СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИ ВА КРЕДИТ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА БЎЛДИЛАР

Кўрик куйидаги ҳамкор банклар иштирокида ўтказилди: ДАТ «Асака банк», Ўзбекистон ТИФ миллий банки, АТ «Пахта банк», АТҚ «Ўзсаноатқурилишбанк»и, ДА «Ўзуйжойжамғармабанк»и.

Кўрик PR-координатори - «SAIPRO» компанияси «UzReport.com» ва «BBB» хафтаномоси ахборот кўмаги билан.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАЙШБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Яншиқлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 428, 29565 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термиди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ.
Навбатчи — Х. ЭШМАНОВ.
Мусахҳах — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21,00. Топширилди — 23,20
1 2 3 4 5 6